

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.01.2021.I.16.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

АКБАРОВА БАРНО ШУХРАТОВНА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТИДА
КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК
ФАОЛИЯТИНИ СТАТИСТИК ТАДҚИҚ ЭТИШ

08.00.06. – Эконометрика ва статистика

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)
in Economic Sciences**

Акбарова Барно Шухратовна

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий
тадбиркорлик фаолиятини статистик тадқиқ этиш 3

Акбарова Барно Шухратовна

Статистическое исследование деятельности малого бизнеса и
частного предпринимательства в экономике Республики Узбекистан.... 25

Акбарова Барно Шухратовна

Statistical research of small business and private entrepreneurship
activities in the economy of the Republic of Uzbekistan 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 51

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.01.2021.I.16.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

АКБАРОВА БАРНО ШУХРАТОВНА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТИДА
КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК
ФАОЛИЯТИНИ СТАТИСТИК ТАДҚИҚ ЭТИШ

08.00.06. – Эконометрика ва статистика

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/I325 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг www.tdiu.uz ҳамда «Ziyouet» ахборот-таълим порталида www.ziyouet.uz манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Набиев Хамидулла
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Шодиев Турсун Шодиевич
иқтисод фанлари доктори, профессор

Маматқулов Бахтиёр Холмуродович
иқтисод фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Г.В.Плеханов номидаги **Россия** иқтисодиёт университети Тошкент шаҳридаги филиали


Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.01.2021.I.16.03 рақамли илмий кенгашининг 2021 йил «28» 09 куни соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100077, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов шоҳ кўчаси, 49-уй. Тел.: (0371) 239-01-49; факс: (0371) 239-41-23; e-mail:tdiu@tsue.uz


Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (087 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100077, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов шоҳ кўчаси, 49-уй. Тел.: (0371) 239-01-49; факс: (0371) 239-41-23.

Диссертация автореферати 2021 йил «16» 09 да тарқатилди.
(2021 йил «16» 09 даги _____ рақамли реестр баённомаси).




Г.К. Абдурахмонова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор


Б.Д. Хожиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.н., доцент


Н.М. Махмудов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг юқори даражада мобиллиги, инновацион ва бозорнинг ўзгаришларига тезкор мослашуви туфайли унинг юқори суръатлар билан ривожланиш тенденцияси кузатилмоқда. «Жаҳон амалиётида бизнес ва тадбиркорлик иқтисодиёти статистикасини юритувчи йирик ташкилотлар фаолият олиб бориб, улар 3000 дан ортиқ статистик базаларни қамраб олган»¹. Шу жиҳатдан ишлаб чиқарувчилар ўртасида статистик тизимни мувофиқлаштириш, тўлақонли маълумотларни шакллантириш ва кузатув ўтказиш сингари статистик тадбирларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунинг учун жаҳон иқтисодий ривожланишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг статистик таҳлилини такомиллаштириш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Жаҳонда мазкур соҳаларнинг ўзига хос мавқеидан келиб чиққан ҳолда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг глобаллашув ва объектив иқтисодий ностандарт ҳолатларда самарали ривожланиши йўналишида илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Амалга оширилаётган илмий изланишлар таркибида ишлаб чиқарувчилар ўртасида статистик тизимни мувофиқлаштириш, тўлақонли маълумотларни шакллантириш ва кузатув ўтказиш методологиясини такомиллаштириш, ностандарт иқтисодий шароитларда соҳанинг самарали ва узлуксиз фаолиятини олиб боришини таъминлашга оид тадқиқотларга устувор даражада ўрганилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бўйича статистика маълумотларининг сифати ва ишончлилигини ошириш борасида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. «Расмий статистикани ишлаб чиқариш, тарқатиш ва мувофиқлаштириш мақсадида мамлакатнинг бутун миллий статистика тизими доирасида қўлланиладиган услубий асослар ва бошқарув тамойилларини такомиллаштириш»² миллий статистика тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Бу борада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини акс эттирувчи статистик кўрсаткичлар тизими ва статистик ахборотлар базасини провард натижаларни таъминлашга йўналтириш, статистика таҳлилининг оптимал вариантларини танлаш, ишлаб чиқаришни прогнозлаш шароитида статистик усул ва ёндашувларнинг аниқлик даражасини ошириш имконини берувчи ёндашув (усуллар)ни ишлаб чиқиш (такомиллаштириш) йўналишларида илмий тадқиқотлар кўламини янада кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2020 йил 3 августдаги ПҚ-4796-сон «Миллий статистика тизимини янада такомиллаш-

¹ <https://ec.europa.eu/eurostat>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 августдаги ПҚ-4796-сон «Миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори.

тириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 8 июндаги ПҚ-3777-сон «Ҳар бир оила – тадбиркор» дастурларини амалга ошириш тўғрисида», 2020 йил 13 октябрдаги ПҚ-4862-сон «Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 17 мартдаги 144-сон «Савдо, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш объектларига ном беришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ўрганишда чет эл олимларидан К.Маркс, Д.Рикардо, А.Смит, Ж.Кейнс, Фон Дер Липпе, Дж.Роулс, У.Петти, О.В.Воронкова, А.Тюрго, Р.С.Ронштадт, Й.Шумпетер, Д.О.Грубенкова, Р.Кантилсон, Т.Веблен³ ва бошқа хорижий иқтисодчи олимлар илмий тадқиқот ишларини олиб борганлар.

МДХ ташкилотига аъзо давлатларнинг етук оимларидан Л.О.Рамашова, У.В.Петров, С.Г.Качаева, О.В.Киселева, С.В.Карцев, О.И.Образцова, Я.Д.Ширияева⁴ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига ўз ҳиссаларини қўшганлар.

Миллий иқтисодиётимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти статистикасини татбиқ этиш асосида мамлакатимиз олимлари илмий изланишлар олиб борганлар. Улар ўз асарларида кичик корхоналарга таъсир этаётган оимларни чет эл тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, кичик корхоналар статистикасини юритишни илмий асослаб берганлар. Бу йўналиш бўйича С.С.Фуломов, М.Р.Болтабоев, М.С.Қосимова, Ш.Ж.Эргашходжаева, А.Н.Самадов, Ш.Отажонов, Х.Хамроев, Э.Эгамбердиев, Х.Д.Хўжакулов ва

³ Рикардо Д. Классика экономической мысли. – М.: 2000. – 896 с, Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. Т.1.– М.: Ось, 1977. – 480 с.; Кейнс Ж. Общая теория занятости, процента и денег. – М.: Экономика, 1948. – С. 238-241; Фон Дер Липпе. Экономическая статистика. Германия, Штутгарт, 1995. – 650 с.; Роулс Дж. Идея блага и приорет права. М., 1998. –243 с. Петти У. Экономические и статистические работы. – М., 1940 г. 156 с. О.В.Воронкова. Current Trends in the Development of Small and Medium-Sized Enterprises and Individual Entrepreneurship in the Russian Federatio.макола revistaespacios 11.05.2018 Тюрго А Избранные экономические произведения – М., 1961-с 17; Й.Шумпетер Теория экономического развития – М. «Эксмо», 2007 Грубенкова Д.О. Предпринимательство в теориях р. Кантильона, Маркса, Веблена и Шумпетера: сравнительный анализ // Международный студенческий научный вестник. – 2016

⁴ Л.О.Рамашова Тенденции развития малого предпринимательства в России.//Знание. Понимание. Умение. 2011 г № 2 94-100 стр. У.В. Петров, С.Г. Качаева. Стимулирование развития малого бизнеса и предпринимательства как основа обеспечения занятости молодежи// Наука и современность 2014 г. №1. 101-107 стр., Киселева О.В., Карцев С.В. Использование финансово-кредитного механизма для активизации малого бизнеса и предпринимательства в России. //Интернет журнал «Науковедение» 2016 г. Том 8 №1 О.И.Образцова. Статистика предприятий и бизнес – статистика // учебник – М: 2011г. Я.Д.Ширияева Статистическая диагностика теневой экономической деятельности малых предприятий. //Дисс.на соиск. уч ст. канд. экон. наук. – СПб.,2006

бошқа иқтисодчи олимлар кўпгина илмий тадқиқот ишларини олиб борганлар. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини статистик моделлаштириш ва прогнозлаш масалалари бўйича маҳаллий олимлардан Н.Соатов, Т.Шодиев, Р.Алимов, Қ.Абдурахмонов, Ё.Абдуллаев, Б.Ғойибназаров, А.Ваҳобов, Ҳ.Шодиев, Г.Саидова, С.Салаев, Ш.Холмўминов, Н.Шоюсупова, М.Хакимова, Х.Набиев, Б.Беркинов, Б.Юсупов, О.Рихсимбоев, А.Аюбжонов⁵ ва бошқалар илмий тадқиқотлар олиб борганлар.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланган олимларнинг тадқиқотларида соҳа фаолиятини ифодаловчи статистик ҳисоботлар, кўрсаткичлар тизими, статистик усуллар ёрдамида уларнинг ривожланиши экстраполяциялаш, кўп омилли Кобб-Дуглас ишлаб чиқариш функцияси асосида статистик баҳолаш ва прогнозлаш, кластерларни жорий этиш масалаларига етарли даражада эътибор қаратилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация иши Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг илмий –тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ОТ-Ф1-154 «Миллий иқтисодиёт таркибий ўзгаришининг ялпи ички маҳсулот ўсишига таъсирини баҳолаш методологиясини такомиллаштириш» мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида амалга оширилган (2017-2020 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини статистик тадқиқ этиш услубиётини ташкиллаштириш ҳамда улар фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишда иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини статистик кузатиш ҳамда унинг назарий асосларини бойитиш;

⁵Ғуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес – Т.: Шарқ, 2002; Болтабоев М.Р., Қосимова М.С., Эргашходжаева Ш.Ж., Ғойибназаров Б.К., Самадов А.Н., Отажонов Ш. Кичик бизнес ва тадбиркорлик – Т.: Иқтисодиёт, 2012; Хамроев Х. Тадбиркорлик асослари – Т.: Янги нашр, 2010; Эгамбердиев Т.Э., Ҳ.Хўжакулов Кичик бизнес ва тадбиркорлик – Т.: Маънавият, 2003; Соатов Н.М. Статистика /Дарслик – Т.: Абу Али Ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2003; Шодиев Т.Ш. Эконометрика / Ўқув қўлланма. – Т.: Адабиёт жамғармаси, 2005. – 126 б; Абдурахмонов Қ.Х., Тохирова Х.Т. Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш /Ўқув қўлланма. – Т.: Адабиёт жамғармаси, 2004.-159 б; Абдуллаев Ё. Макроиқтисодий статистика 100 саволга 100 жавоб – Т.: Мехнат,1998. – 382б; Ваҳобов А. Бозор муносабатлари тизимидаги ижтимоий фондлар.-Т.: Шарқ, 2003.-319 б; Шодиев Ҳ., Хамроев М. Молия статистикаси / Дарслик – Т.: Абу Али Ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2002. – 236 б; Саидова Г ва бошқ. Социальная политика правительства Узбекистана в переходном периоде: достижение и проблемы //Экономическое обозрение, 1998, №1. – 15 с; Беркинов Б.Б.Оилавий тадбиркорлик салоҳиятини ошириш йўллари. Монография – Т.: Fan va texnologiya, 2019; С.К.Салаев Кичик бизнес ривожлантириш тенденцияларини моделлаштириш ва башоратлаш. Диссертация, – Т., 2008-324 б.; Гафуров У.В. Кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш. Диссертация, – Т., 2017. – 138-б., Ғайфуллаев Н.Б. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда ностандарт бандлик имкониятларидан самарали фойдаланиш. Диссертация. – Т., 2018.; Юсупов Б.А. «Ўзбекистонда кичик бизнес иқтисодий салоҳиятидан фойдаланиш механизмларини такомиллаштириш», Диссертация, – Т., 2020. – 148 б.; Машарипова М.А. Хизмат кўрсатиш тармоқларида кичик бизнесни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш. Диссертация. – Т., 2020.; Рустамов М.С. Кичик бизнес субъектларини кредитлаш амалиётини илғор хориж тажрибаси асосида такомиллаштириш йўллари. Диссертация., – Т., 2019.; Тўйчиев А.Ф. Кичик бизнесга инновациялар трансферини молиялаштириш механизмини такомиллаштириш. Диссертация. – Т., 2020.; Тўхсанов Қ.Н. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиққа тортишни такомиллаштириш. Диссертация., – Т., 2020.

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкил қилиш, унда статистикани юритиш ҳамда ривожлантиришнинг хорижий мамлакатлар тажрибаси асосида мавжуд шарт-шароитларини такомиллаштириш;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти ривожланишига таъсир этувчи омилларни статистик баҳолаш ва таҳлил қилиш;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга таъсир этувчи омилларни статистик баҳолаш кўрсаткичлари тизимини такомиллаштириш;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини кўп омилли баҳолашда Кобб-Дуглас ишлаб чиқариш функциясининг илмий асосланган ҳолда ҳозирги кундаги аналитик кўринишини ишлаб чиқиш;

«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик инновацион кластери» тамойили асосида тузиш ва фаолиятини амалга ошириш бўйича таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини статистик тадқиқ этиш асосида ривожлантириш истиқболи бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий фаолияти ташкил қилади.

Тадқиқотнинг предмети сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини статистик тадқиқ этиш жараёни олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда статистик кузатиш, гуруҳлаш усуллари, мутлоқ, нисбий ва ўртача миқдорлар, график, корреляцион ва регрессион таҳлил, кластер ва рейтинг баҳолаш, математик-статистика ва эконометрика усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг статистик таҳлили ҳудудлар кесимида статистик кузатув маълумотлари таҳлилининг оптимал вариантларини танлаш негизида маҳсулот ишлаб чиқариш, меҳнат сарфи ва трансакцион харажатларни камайтиришнинг қўшимча имкониятлари очиқ берилган;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ташқи иқтисодий фаолиятининг статистик ахборотлар ва прогнозлаштириш базасини тўлақонли статистик самарани берувчи ва провард мақсад-натижага хизмат қилувчи ўзаро боғлиқ жараёнларга оид кўрсаткичлар тизимини бош ўртача қиймат, қийматдорлик даражаси, танланган белгилар, банд бўлганларнинг сифат кўрсаткичлари билан бирга ва ҳ.клар негизида кенгайтириш зарурати асосланган;

ишлаб чиқариш функциясида сотувдан тушган соф тушум устуворлиги асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг 2030 йилгача прогноз кўрсаткичлари асосланган;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини «кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик инновацион кластери» тамойили асосида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш субъектлари уйғунлигида ташкил этишнинг иқтисодий жиҳатидан мақсадга мувофиқлиги асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг иқтисодиётда тутган ўрни статистик баҳоланган;

«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик инновацион кластери» тамойилини тузиш ва фаолиятини амалга ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишини статистик ўрганиш ва унинг асосида статистик ҳисоботларни такомиллаштириш бўйича хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги фойдаланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, Давлат статистика қўмитаси, манфаатдор вазирлик ва идораларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш масалаларига оид материаллари тадқиқотнинг эмпирик базаси ва маълумотлари манбаи сифатида хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини услубий баҳолаш асослари чиқариш функциясида сотувдан тушган соф тушум устуворлиги асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ишлаб чиқаришини прогнозлаш ҳамда улар фаолиятини «кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик инновацион кластери» тамойили бўйича ташкил этиш асосида такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини баҳолаш ва прогнозлаш бўйича ахборот-таҳлилий материалларни тайёрлаш ва дастурларни ишлаб чиқишда ҳамда ўқув адабиётлар, жумладан «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик», «Бизнес статистикаси», «Статистика», «Саноат статистикаси» фанларидан бўйича маъруза ва амалий машғулотларни тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини статистик тадқиқ этиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг статистик таҳлили оптимал вариантларини танлаш асосида ҳудудлар кесимида статистик кузатув маълумотлари таҳлилининг оптимал вариантларини танлаш негизида маҳсулот ишлаб чиқариш, меҳнат сарфи ва трансакцион харажатларни камайтиришнинг қўшимча имкониятлари Тошкент шаҳар статистика бошқармаси амалиётига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни кичқартириш вазирлиги 2021 йил 23 августдаги 02/09-10/10-357-сон ҳамда Тошкент шаҳар статистика бошқармасининг 2019 йил 28 декабрдаги 01/1-11-10/2-7561-сон маълумотномалари). Ушбу таклифлар натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳудудлар кесимида кузатув маълумотлари таҳлилининг оптимал вариантларини танлаш асосида мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш орқали маҳсулот ишлаб чиқариш 8-10 фоизга ошди, меҳнат сарфи 15-20 фоиз ва трансакцион харажатлар 5,5 фоизга пасайган;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ташқи иқтисодий фаолиятининг статистик ахборотлар ва прогнозлаштириш базасини тўлақонли статистик самарани берувчи ва провард мақсад-натижага хизмат қилувчи ўзаро боғлиқ жараёнларга оид кўрсаткичлар тизимини кенгайтириш бўйича таклифлар Давлат статистика кўмитаси фаолиятига жорий этилган (Давлат статистика кўмитаси 2019 йил 23 декабрь 01/1-07-16/1-122-сон маълумотномаси). Натижада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташқи иқтисодий фаолиятини соф экспортни статистик ахборотлар базасини кенгайтириш, ахборотларни аниқлиги, холислиги ва шаффофлигини қиёсий таҳлил қилиш имконияти кенгайтирилган;

ишлаб чиқариш функциясида сотувдан тушган соф тушум устуворлиги асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ишлаб чиқаришининг 2030 йилгача прогноз кўрсаткичлари Давлат статистика кўмитаси фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитасининг 2019 йил 23 декабрь 01/1-07-16/1-122-сон маълумотномаси). Натижада миллий ҳисоблар тизими стандартлари асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда қўлланиладиган статистик ҳисоботларни халқаро даражаларда баҳолаш ва прогноз услубини ахборотлар базасини кенгайтириш имконияти яратилган;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик инновацион кластери» тамойили асосида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш субъектлари уйғунлигида ташкил этишнинг иқтисодий жиҳатидан мақсадга мувофиқлиги бўйича таклифлар «ВЕК MEGA TEXTILE» маъсулияти чекланган жамият (Тошкент ш.) фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қичқартириш вазириги 2021 йил 23 августдаги 02/09-10/10-357-сон ҳамда «ВЕК MEGA TEXTILE» маъсулияти чекланган жамиятининг 2019 йил 10 декабрдаги 343-сон маълумотномалари). Ушбу таклифларнинг амалиётга жорий қилиниши тизимда меҳнат унумдорлиги ўсиши, рақобатдошлик таъминланиши, янги иш ўринлари яратилиши, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш харажатлари камайишига олиб келган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари бўйича жами 34 та, жумладан, 3 та халқаро ва 25 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 34 илмий иш чоп этилган, 6 та мақола ОАК эътироф этган маҳаллий журналларда, 3 та мақола халқаро журналларда, маъруза тезислари 25 та республика илмий-амалий конференциялари тўпламида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, учта боб, 7 та параграф, хулоса, фойдаланган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган бўлиб, унинг умумий ҳажми 159 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг мақсади, вазибалари, объекти ва предмети тавсифланган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тадқиқ этишнинг назарий-услубий асослари**» деб номланувчи биринчи бобида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари статистик тадқиқотнинг ўрганиш объекти сифатида ўрганилиб, бу соҳадаги тенденциялар, янги қарашлар, статистик ёндашувлар ҳамда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда хорижий мамлакатлар тажрибаси назарий жиҳатдан ёритилган.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида тадбиркорлик субъектларини ташкил қилишни соддалаштириш ва уларнинг фаолиятини юритишини енгилаштириш билан боғлиқ 40 дан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Натижада тадбиркорлик кенг қулоч ёйди ва ҳозирги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулот умумий ҳажмининг 53,9 фоизини ҳамда иқтисодиётда банд бўлганлар сонидаги улуши 75,1 фоизини ташкил этди.

Кўпгина хорижий мамлакатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишига давлат томонидан муҳим аҳамият берилиши, хусусан, турли хил йўналишдаги имтиёзлар яратилиши уларнинг фаолияти ривожланишига олиб келмоқда. Шу сабабли, 2020 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда банд бўлганлар сони 9938,3 минг кишидан ошиб кетди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасидаги кичик корхоналарнинг рўйхатдан ўтиши, иқтисодиётда фаол ва нофаол фаолият юритиши, берилган йиллар давомида янги очилган корхоналар ва ўз фаолиятини тугатганлиги тўғрисидаги статистик маълумотлардан фойдаланилди. Унга кўра 2005 йилдан то 2020 йилгача бўлган даврда 215477 та кичик корхона рўйхатдан ўтган (255,6 %); 234987 та кичик корхона иқтисодиётини фаол амалга ошираётган бўлса, нофаоллар эса 49,5 фоизни ташкил қилмоқда. Лекин айрим корхона фаолиятига салбий таъсир этувчи омиллар натижасида фаолиятини тугатган корхоналар 2020 йилда 15646 бирликни ташкил қилди.

Лекин айрим кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятининг барча босқичларида кўплаб тўсиқларни енгиб ўтишга мажбур бўлмоқда. Илмий тадқиқот олиб бориш жараёнида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни хоҳловчилар учун, фаолият юритмаётган (ёки вақтинча тўхтатиб турган) тадбиркорлар учун статистик кузатишнинг анкета-сўровномаси асосида ўтказилган ва қуйидаги камчиликлар аниқланган⁶:

⁶ Муаллифнинг илмий-тадқиқот натижаларидан олинган.

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчи айрим субъектлар статистик ҳисобот шакллари билмаслиги;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар бухгалтерия ва статистик ҳисоботларини тўлдиришда қийинчиликларга дуч келиши;

- кичик корхоналар субъектлари қиймат йўналишлари ва ижтимоий муносабатларни ўрганишда уларнинг тадбиркорлик фаолияти тури билан боғлиқлигини аниқлашда қийинчиликлар дуч келиши;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда ижтимоий-демографик омилларнинг аҳамиятини билмаслиги;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчи аҳоли тижорат банклари, бизнес-фондлар ва бошқа тузилмалардан кредит олишда қийинчиликларга дуч келиши;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг 80 фоизи статистик таҳлил билмаганликлари сабабли, экспорт-импорт операцияларини амалга оширишда жиддий қийинчиликларга учрашни киритиш мумкин.

Бундай ҳолат фақат ўз кучларига ишониб тадбиркор бўлиш истагининг ўзи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини тез ва муваффақиятли ривожлантириш учун етарли эмаслигидан далолат беради.

Диссертациянинг «**Республикада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари статистикасининг ҳолати ва уни тизимлаштириш**» деб номланувчи иккинчи бобида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятига таъсир этувчи омиллар, уларни тавсифловчи статистик кўрсаткичлар тизими такомиллаштирилган ва 2000-2020 йиллар бўйича кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг фаолияти статистик таҳлил қилинган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка таъсир этувчи муҳитнинг қандай хусусиятларга эга эканлиги ҳамда уларни ташкил этувчи омилларнинг ўзаро боғлиқлиги ўрганиб чиқиш муҳим аҳамият касб этади (1-расм).



1-расм. Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга таъсир этувчи ташқи ҳамда ички омилларнинг ижобий томонлари⁷

⁷ Муаллифнинг илмий тадқиқотлари натижасида тузилди.

Тадқиқотда Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга таъсир этувчи ташқи ва ички ижобий омиллар тизимлаштирилган бўлиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик етарлича ривожланиши учун унга бир қанча иқтисодий омиллар таъсир кўрсатади. Ташқи омиллар тадбиркорлик фаолиятининг фақат ўзигагина боғлиқ эмас, бундай омиллар давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳамда бошқа соҳа вакиллари билан бирга ҳамкорликда ишлашни талаб этади. Тадбиркорлик фаолияти ва кичик бизнеснинг ривожланишида экологик омиллар ҳам муҳим ўрин тутаяди.

Ички омиллар ҳам тадбиркорликни ривожлантиришга бевосита таъсир кўрсатади. Ҳар битта тадбиркор ёки ишбилармон бозор иқтисодиёти шароитида истеъмол товар ва хизматларининг талабига қизиқади. Ўзбекистон Республикаси кичик тадбиркорлик субъектлари фаолияти ривожланишини таҳлил қилиш учун дастлаб, ҳудудлар миқёсида энг юқори ўриндаги Тошкент шаҳри ва энг қуйи ўринда Навоий вилоятининг ташқи иқтисодий фаолияти ҳақидаги маълумотлар ўрганилган

1- жадвал.

Тошкент шаҳри ва Навоий вилоятида фаолият юритаётган КБХТнинг ташқи иқтисодий фаолияти кўрсаткичлари⁸

Кўрсаткичлар	2019 й. (минг АҚШ долл.)		2020 й. (минг АҚШ долл.)		Жамига нисбатан фоизда			
	Тошкент ш.	Навоий вил.	Тошкент ш.	Навоий вил.	2019 й		2020 й	
					Тошкент ш.	Навоий вил.	Тошкент ш.	Навоий вил.
А	n_{iA}	n_{iB}	n_{iA}	n_{iB}	$S_{iA} = \frac{n_{iA}}{\sum n_A}$	$S_{iB} = \frac{n_{iB}}{\sum n_B}$	$S_{iA} = \frac{n_{iA}}{\sum n_A}$	$S_{iB} = \frac{n_{iB}}{\sum n_B}$
Экспорт	734223,2	95186,8	582344,7	50086,6	10,54	9,03	10,26	13,87
Импорт	6233454,4	958725,7	5095612,6	311130,4	89,46	90,97	89,74	86,13
Ташқи савдо айланмаси	6967677,6	1053912,5	5677957,3	361217,0	100,00	100,00	100,00	100,00

Жадвал маълумотларига кўра, Тошкент шаҳрида экспорт салмоғи 2019-2020 йилларда 10,54 %дан 10,26 %га камайган. Навоий вилоятида эса унинг салмоғи 9,03 %дан 13,87 %гача кўтарилган. Импорт бўйича қарама-қарши тенденция кузатилди. 2019 йил Тошкент шаҳрида импорт ҳажми 6233454,4 минг. АҚШ доллари, 2020 йил эса 5095612,6 минг АҚШ долларини ташкил этган. Тошкент шаҳрида импорт салмоғи 2019-2020 йилларда 89,5 %дан 89,7 %га пасайган. 2019 йил Навоий вилоятида импорт ҳажми 958725,7 минг АҚШ доллари, 2020 йил эса, 311130,4 минг АҚШ долларини ташкил этган. Навоий вилоятида эса, унинг салмоғи 90,97 %дан 86,13 % гача камайган (1-жадвал).

2019 йил учун:

⁸ Тошкент шаҳри ва Навоий вилоятининг 2019-2020 йилги статистик ахборотномаси маълумотлари асосида тузилди.


$$K_{SA-SB} = \sqrt{\sum(S_A - S_B)^2 / (\sum(S_A + S_B))^2} = \sqrt{(10,5 - 9,03)^2 + (89,5 - 90,97)^2 / (10,5 + 9,03)^2 + (89,5 + 90,97)^2} = 0,011453$$

2020 йил учун:

$$K_{SA-SB} = \sqrt{\sum(S_A - S_B)^2 / (\sum(S_A + S_B))^2} = \sqrt{(10,26 - 13,9)^2 + (89,74 - 86,1)^2 / (10,26 + 13,9)^2 + (89,74 + 86,1)^2} = 0,025681$$

Демак, Тошкент шаҳрида кўшма корхоналар актив (фаол) ташқи иқтисодий фаолият балансига эга бўлмаган. Навоий вилоятида эса пассив баланс билан бундай фаолият якунланиб, ташқи иқтисодий фаолият баланси тузилишидаги фарқларни умумлаштирувчи кўрсаткичлар ҳисобланган. Навоий вилоятининг ташқи иқтисодий фаолият баланси Тошкент шаҳрига нисбатан 2019-2020 йилларда ёмонлашган, чунки унинг экспорт ва импорт бўйича тақсимоотидаги нотекислик кучайган.

Ўзбекистон Республикаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ташқи иқтисодий фаолияти кўрсаткичлари тузилишидаги ўзгариш таҳлилида 2000 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари товар ва хизматларининг импортдаги улуши 22,8 %ни, 2020 йилда эса 51,8 %ни ташкил этган бўлса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари товар ва хизматларининг экспортдаги улуши 2000 йилда 10,2 %ни, 2020 йилда 20,5 %ни ташкил этган (2-расм).



2-расм. Ўзбекистон Республикаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ташқи иқтисодий фаолияти кўрсаткичлари тузилишидаги ўзгариш⁹.

2020 йилда ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорликдаги экспорт (товар, хизмат)ларнинг жами экспортдаги энг кўп улуши Сирдарё вилоятида – 80,8 %, Хоразм вилояти – 70,0 %, Сурхондарё вилояти – 63,9 %, Жиззах вилояти – 61,6 %, Фарғона вилояти – 57,4 %, Самарқанд вилояти – 57,3 %, Қашқадарё вилояти – 56,3 %, Наманган вилояти – 51,7 %, Бухоро вилояти – 43,4 %, Андижон вилояти – 43,3 %, Тошкент вилояти – 27,8 %, Қорақалпоғистон Республикасида – 21,7 %, Тошкент шаҳри. – 19,7 %, Навоий вилояти – 11,8 %, энг паст кўрсаткични ташкил этди.

⁹Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2000-2020 йиллар бўйича маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг товар ва хизматлар экспорти ҳамда импорти тўғрисида маълумотларнинг (млн.АҚШ.долл.) тўғри чизиқли тренд тенграмасини тузиш ва қатор даражаларини текислаш тартиби кўриб чиқилган.

2-жадвал.

2000 – 2020 йилларда Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг товар ва хизматлар экспорти ҳамда импорти тўғри чизиқли тренд асосида аниқлаш¹⁰

Йиллар	Экспорт					Импорт				
	Экспорт ҳажми (млн. АҚШ. долл.), Y	Вақт шартли белгиси, t	t ²	Yt	Текисланган даражалар (млн. АҚШ. долл.) Y _t	Импорт ҳажми (млн. АҚШ. долл.), (Y)	Вақт шартли белгиси, t	t ²	Yt	Текисланган даражалар, (млн. АҚШ. долл.) Y _t
2000	334,3	-10	100	-3343	-172,3	672,1	-10	100	-6721	-1067,9
2001	293,6	-9	81	-2642,4	44,1	836,2	-9	81	-7525,8	-499,1
2002	224,3	-8	64	-1794,4	260,5	675,7	-8	64	-5405,6	69,8
2003	272,1	-7	49	-1904,7	476,9	998	-7	49	-6986	638,7
2004	354,4	-6	36	-2126,4	693,3	1249,3	-6	36	-7495,8	1207,5
2005	325,8	-5	25	-1629	909,7	1379,9	-5	25	-6899,5	1776,4
2006	714,6	-4	16	-2858,4	1126,2	1633,5	-4	16	-6534	2345,3
2007	1333,5	-3	9	-4000,5	1342,6	2155	-3	9	-6465	2914,1
2008	1419,8	-2	4	-2839,6	1559,0	3460,4	-2	4	-6920,8	3483,0
2009	1723,6	-1	1	-1723,6	1775,4	4011,2	-1	1	-4011,2	4051,9
2010	1782,8	0	0	0	1991,8	3287,9	0	0	0	4620,7
2011	2826,2	1	1	2826,2	2208,2	3895,5	1	1	3895,5	5189,6
2012	1910,5	2	4	3821	2424,6	4946	2	4	9892	5758,5
2013	3752,3	3	9	11256,9	2641,0	5909,4	3	9	17728,2	6327,3
2014	3657,8	4	16	14631,2	2857,5	6352,6	4	16	25410,4	6896,2
2015	3377,7	5	25	16888,5	3073,9	5523,1	5	25	27615,5	7465,1
2016	3139,2	6	36	18835,2	3290,3	5676,8	6	36	34060,8	8033,9
2017	2759,3	7	49	19315,1	3506,7	7511,9	7	49	52583,3	8602,8
2018	3810,8	8	64	30486,4	3723,1	10916,2	8	64	87329,6	9171,7
2019	4714,8	9	81	42433,2	3939,5	14972,2	9	81	134749,8	9740,5
2020	3 100,6	10	100	31005,9	4155,9	10 972,7	10	100	109726,6	10309,4
Жами	41828,0	0,0	770,0	166637,6	41828,0	97035,6	0,0	770,0	438027,0	97035,6

Олинган маълумотларга асосан:

а) экспорт учун:

$$a_0 = \frac{\sum y}{N} = \frac{41828,0}{21} = 1991,809 \text{ млн. АҚШ доллари}$$

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2000-2020 йиллар бўйича маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди

$$a_1 = \frac{\sum yt}{\sum t^2} = \frac{166637,6}{770} = 216,4$$

Демак, $Y_t = 1991,8 + 216,4t$

б) импорт учун:

$$a_0 = \frac{\sum y}{n} = \frac{97035,6}{21} = 4620,741 \text{ млн АҚШ доллари}$$

$$a_1 = \frac{\sum yt}{\sum t^2} = 438027,0/770 = 568,8663$$

Демак, $Y_t = 4620,741 + 568,8663t$. Олинган тренд модели бўйича қатор даражаларини текислаш натижалари 6 ва 11 устунларда келтирилган. 2-жадвалда, 2000-2020 йилларда Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг товарлар ва хизматлар экспорти ва импорти кўрсаткичларидан фойдаланиб ечилганда, экспорт хажми ва текисланган даражалар (41828,0 млн. АҚШ доллари) тенг чиққанлиги, ҳамда импорт хажми ва импортнинг текисланган даражалари (97035,6 млн. АҚШ доллари) орасида тўғри чизиqli тренд асосида боғланган.

Экспорт кўрсаткичларининг текисланган даражаларини ўсиш тенденцияси 2000 йилда -172,3 млн. АҚШ долларида 2020 йил 4155,9 млн. АҚШ долларига, ҳамда импорт кўрсаткичларининг текисланган даражаларини ўсиш тенденцияси 2000 йилда -1067,9 млн. АҚШ долларида 2020 йил 10309,4 млн. АҚШ долларига ошганлигини кўришимиз мумкин.

Диссертациянинг «**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари статистикаси методологиясини такомиллаштириш йўллари**» деб номланувчи учинчи бобида кўп омилли Кобб-Дуглас ишлаб чиқариш функцияси асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари фаолияти тадқиқ этилган ҳамда истикболда улар фаолиятини кластерлар доирасида ташкил этиш ва ривожлантириш масалалари ўрганилган.


Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик давлат ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари эътиборида бўлиши ҳамда қўллаб-қувватлашга муҳтож эканлиги алоҳида таъкидланган.

«Маълумки, сўнгги уч йилда солиқлар тури 16 тадан 9 тага қисқарди. Яқингача Пенсия, Мактаб ва Йўл жамғармаларига бизнес учун оғир юк бўлган 3,2 фоизли йиғимлар тўланар эди. Ушбу йиғимлар корхоналарнинг фойдасидан қатъий назар, оборотдан олиниб, уларнинг миқдори корхоналарнинг камида 25-30 фоиз фойдасига тенг эди. Молк-мулк, даромад солиғи ва ижтимоий солиқлар ставкалари 2 баробарга камайтирилди»¹¹.

Тошкент шаҳар Учтепа тумани кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида ўтказилган кузатув маълумотлари таҳлилига кўра, қурилиш соҳасидаги респондентларнинг 28,6 %и иқтисодий вазиятни юқори ва 54,4 % эса қониқарли, 12,2 %и паст, 4,4 % и қониқарсиз, 0,4 % и эса бундай имкониятлар умуман йўқ деб ҳисоблайди. Худди шундай сўровнома асосида савдо соҳасидагилардан – 33,5 %, 41,8 %, 14,7 %, 6,8 % ва 3,2 % натижа олинган.

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимиз тадбиркорлари билан очик мулоқоти// 2021 йил 20 август.

Хизматлар соҳасидан – 24,5 %, 58,8 %, 10,7 %, 4,8 % ва 1,2 %, ҳамда саноатда – 10,5 %, 40,4 %, 29,1 % ва 18,2 % ва 1,8 % ни ташкил қилганини кўрсатди.



3-расм.Туманда тадбиркорлик фаолиятини саноат, қурилиш, савдо ва хизматлар соҳасида ривожлантириш анкета сўровномаси натижаси ¹²

Иқтисодий вазият яхшиланиши яқин уч ойда, саноат корхоналари – 64,3 %, савдо – 65,6 %, хизматлар – 60,6 %, қурилиш тармоғида – 62,7 % кутилмоқда.

3-расмда янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмаларга бизнес муҳитини яхшилаш чора-тадбирлари натижасида респондентлар томонидан яқин истиқболда умумий иқтисодий вазиятнинг яхшиланиши ижобий баҳолаётганини кузатиш мумкин.

Кўп омилли Кобб-Дуглас ишлаб чиқариш функциясини тузиш ва омилларнинг эластик коэффицентларини ҳисоблашда ҳамда ишлаб чиқариш функциясини ўрганишда айрим ишлаб чиқариш омилларининг самарадорлигини баҳолаш, бир хил омилларнинг бошқа омиллар ўрнини босиши, техника тараққиёти каби муаммолар пайдо бўлади (бунда кўп ҳолларда икки омилли Кобб-Дуглас ишлаб чиқариш функциясидан фойдаланиш мумкин).

Агар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этувчи энг асосий омилларни ҳисобга оладиган бўлсак, у ҳолда қуйидаги ишлаб чиқариш функциясига эга бўламиз:

$$Y = f(K, L) \quad (1)$$

Берилган (1) функцияни анъанавий Кобб-Дугласнинг ишлаб чиқариш функцияси кўринишида қуйидагича ёзиш мумкин:

$$Y = AK^{\alpha} L^{\beta} \quad (2)$$

Бунда, Y - ишлаб чиқариш ҳажми, A - умумлашган технология даражаси (омиллар ялпи унумдорлиги), K , L мос равишда ишлаб чиқаришда капитал, ва меҳнат харажатлари ҳамда α , β мос равишда ишлаб чиқаришнинг капитал, меҳнат бўйича эластиклик коэффицентлари.

¹² Муаллифнинг илмий тадқиқотлари натижасида тузилди.

Кобб-Дугласнинг мультипликатив функцияси параметрларини тўғридан - тўғри баҳолаш имконияти мавжуд бўлмаганлиги сабабли, мазкур функцияни логарифлаб, уни қуйидаги кўринишга олиб келамиз:

$$\ln Y = \ln A + \alpha \ln K + \beta \ln L \quad (3)$$

Тадқиқотда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг истиқболдаги ривожланишини иқтисодий-математик моделларини тузиш учун юқорида келтирилган Кобб-Дугласнинг ишлаб чиқариш функциясидан фойдаланамиз, бунда қуйидаги белгиланишларни киритамиз:

Y - кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотишдан тушган соф тушум, млрд. сўм;

X_1 - йил охирига асосий воситаларнинг бошланғич (қайта тиклаш) қиймати бўйича баҳоси, млрд.сўм;

X_2 - кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган саноат маҳсулот (хизмат) лари ҳажми, млрд. сўм;

X_3 - кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб бажарилган қурилиш ишлари ҳажми, млрд. сўм;

X_4 - кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда банд бўлганлар сони, минг киши.

Юқорида келтирилган Кобб-Дугласнинг ишлаб чиқариш функцияси асосида Ўзбекистон Республикаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан маҳсулот (хизмат)лар ишлаб чиқариш ҳажми ва унга таъсир этувчи омилларнинг қуйидаги регрессион таҳлил натижаларига эга бўламиз (3-жадвал).

3-жадвал

Регрессион таҳлил натижалари¹³

Кўрсаткичлар	Регрессия тенгламаси коэффициентлари	Стандарт хатолик	t - статистика	P - эҳтимоллик
Омилларнинг параметрлари				
A_0 - озод ҳад	-0,58695	0,060860734	-9,644189231	1,06052E-06
X_1 - ўзгарувчи	-0,03462	0,012308814	-2,812213501	0,016901457
X_2 - ўзгарувчи	0,854554	0,125273367	6,821512845	2,87055E-05
X_3 - ўзгарувчи	0,082069	0,020398	4,02339959	0,002004448
X_4 - ўзгарувчи	0,652038	0,088407961	7,375332987	1,40274E-05
Тенгламанинг параметрлари				
Кузатувлар сони	R -квадрат	F -статистика	DW -статистикаси	
16	0.999	3428,76	1,89	

Олинган таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, Ўзбекистон Республикаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан маҳсулот (хизмат)лар ишлаб чиқариш ҳажмининг регрессион модели мультипликатив шаклда эмас, балки аддитив шаклда барча ҳисоб-китоб параметрлари билан

¹³ Муаллиф ҳисоб-китоблари.

статистик жиҳатдан аҳамиятли бўлиб чиқди ва унинг регрессия тенгламаси куйидаги эмпирик моделдан иборат бўлди:

$$y = -0.586 - 0.034x_1 + 0.854x_2 + 0.082x_3 + 0.652x_4 \quad (4)$$

Регрессион таҳлил натижаларининг кўрсатишича, кўп ўлчовли детерминация коэффициентининг қиймати ($R^2 = 0,999$) 99,9 фоизга тенг бўлиб, Фишернинг F -мезони бўйича p - эҳтимоллик қиймати ($p_{\text{эҳтимоллик}} < 0.05$) 0.05 дан жуда кичик. Бундан кўринадики, Ўзбекистон Республикаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан маҳсулот (хизмат)лар ишлаб чиқариш ҳажми умумий вариациясининг 99,9 фоизи регрессия тенгламасига киритилган омиллар ҳисобига шаклланган бўлиб, мазкур эмпирик модел сифати тўлиқ талабга жавоб беради ва берилган омиллар билан натижавий омилнинг боғланиши адекват ҳисобланади.

Шунингдек, барча регрессия коэффициентлари учун Стьюдентнинг t - қиймати мезони бўйича p - эҳтимоллик қийматлари юқоридаги каби ($p_{\text{эҳтимоллик}} < 0.05$) 0.05 дан кичик бўлганлиги боис регрессия коэффициентларининг барчаси 5 фоизлик эҳтимоллик ($\alpha = 0.05$ статистик аҳамиятлик даражаси билан) билан статистик жиҳатдан аҳамиятлидир.

Олинган натижалардан шундай илмий хулоса келиб чиқадики, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг (X_2) 1 сўмга ортиши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотишдан тушган соф тушум (Y) ҳажмини кўшимча равишда 0.854 сўмга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан бажарилган қурилиш ишлари ҳажми (X_3) 0.082 сўмга ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда банд бўлганлар сонининг (X_4) ортиши эса 0.652 сўм ортишига олиб келади ва улар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотишдан тушган соф тушумга ижобий таъсир этади.

Бироқ, йил охирига асосий воситалар бошланғич қиймати (X_1) нинг 1 сўмга ортиши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотишдан тушган соф тушум (Y) ҳажмини 0.03 сўмлик пасайишига олиб келади. Бундан кўринадики, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг асосий воситалари эскирган ҳамда бу ҳозирги инновацион ривожланиш муҳитига мос келмайди. Бу эса, асосий воситаларни янгилашни ва уларни модернизациялаш ишларини тезлаштиришни талаб этади.

Юқорида келтирилган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотишдан тушган соф тушум (Y) нинг регрессион модели (4) соф тушумни прогнозлаш имкониятини беради ва бу эконометрик прогноз деб номланади.

Истиқболни белгилаш учун корреляцион - регрессион моделдан фойдаланиш регрессия тенгламасига омил бирликларнинг прогноз қилишда кутиладиган қийматларини қўйиб, натижавий белгининг прогноз

кўрсаткичларини ёки берилган эҳтимол билан улар ётадиган ишончли кенгликни ҳисоблашдан иборатдир:

$$y_0 - t_{1-\alpha, n-2} S_{y_0}^{\wedge} \leq y_0^* \leq y_0 + t_{1-\alpha, n-2} S_{y_0}^{\wedge} \quad (5)$$

